

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХАЗРАТКУЛОВ ХАМИДЖОН АЛИКУЛОВИЧ

НАҚШЛИ ТРИКОТАЖ АССОРТИМЕНТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ТЎҚИМА ТУЗИЛИШИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲИСОБИГА ХОМАШЁДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хазраткулов Хамиджон Аликулович Нақшли трикотаж ассортиментини ишлаб чиқаришда тўқима тузилишини ўзгартириш ҳисобига хомашёдан самарали фойдаланиш.	3
Хазраткулов Хамиджон Аликулович Рациональное использование сырья при выработке ассортимента рисунчатого трикотажа за счет изменения структуры переплетения.	21
Khazratkulov Khamidjon Alikulovich Effective using of raw material on producing of pattern knitting assortment by changing of knitting structure.	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХАЗРАТКУЛОВ ХАМИДЖОН АЛИКУЛОВИЧ

НАҚШЛИ ТРИКОТАЖ АССОРТИМЕНТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ТЎҚИМА ТУЗИЛИШИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲИСОБИГА ХОМАШЁДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2017

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муқимов Мирабзал Мираюбович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедходжаев Хамит Турсунович**
техника фанлари доктори, профессор

Петророва Лариса Ивановна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро муҳандислик технология институти**

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 29 ноябр 2017 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси - 5, (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси 5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил 14 ноябр куни тарқатилди.
(2017 йил 14 ноябрдаги 17 рақамли реестр баённомаси).

К. Жуманиязов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш. Ташпулатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда трикотаж ишлаб чиқариш саноатида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё миқёсида йилига 17 млн тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу умумий тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмининг 1/3 қисмини ташкил қилиб, тўқимачилик саноати жадал суръатларда ривожланаётган асосий ҳудудларга Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Европа ва АҚШ ни киритиш мумкин»¹. Шу билан бирга, трикотаж хусусиятларини башорат қилиш, техникавий, эстетик ва замонавий бадий-колористик безатилиш талабларига жавоб берадиган трикотаж тўқималарини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон трикотаж ишлаб чиқаришида юқори самарали ва энергия тежамкор техник восита ва технологияларни ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан трикотаж тўқималарининг янги ассортиментини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик параметрларини, физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини назарий асослаш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва башорат қилиш методикасини яратиш, янги хомашё турларидан трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш технологик режимларини ишлаб чиқиш, янги трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш мақсадида мавжуд техника ва технологияларни такомиллаштиришга, машиналарнинг технологик имкониятларини кенгайтиришга, технологик жараёнларни автоматик бошқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикаimiz мустақилликка эришгандан буён хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада трикотаж ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини такомиллаштириш, сифат кўрсаткичлари юқори ва хомашё сарфи кам бўлган трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотларининг таннархи камайтирилмоқда. Бу йўналишда трикотаж корхоналарининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

қилиш, ... ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан трикотаж корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сидирға трикотаж тўқималарини нақш самарасига эга бўлган тўқималарга алмаштириш, тўқима тузилишини ўзгартириб, хомашёдан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминловчи технологияларни яратиш ва такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, трикотаж сифатини ошириш, тўқималар тузилиши ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар бир қатор олимлар: М. Савадзаки, Е. Харима, С. Ерисуэ, А. Mazjorie Taylor, L. Walter, M. Walker, Ch. Phillips, A. Wilkes, A. Wynne, David J. Spenceг ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Трикотаж технологиясининг назарий методологик асослари ривожланишига оид фундаментал ишлар профессорлар А.С. Далидович, И.И. Шалов, Л.И. Кудрявин, В.Н. Гарбарук, Б.С. Окс, В.М. Лазаренко, В.А. Зиновьева, В.Н. Викторов, И.Г. Цитовичлар томонидан олиб борилган бўлса, профессорлар В.А. Заваруев, О.Н. Марисова, М.М. Мукимовлар трикотаж тўқимасининг структуравий элементларини трикотаж тўқимаси хусусиятларига таъсирига оид илмий изланишлар олиб борганлар.

Аксарият тадқиқот ва ишланмалар фақат муаммоларнинг бир қисмини қамраб олган бўлиб, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, ресурстежамкор нақшли трикотаж тўқима ассортиментларини олиш технологиясини яратиш масалаларига бағишланган илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган. Ушбу ҳолат трикотаж

²www.lex.uz/2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини кам талаб қиладиган юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган нақшли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратишга оид илмий тадқиқотларни ўтказиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИК-09-06 «Пахта-ипак тўқима асосида икки қатламли трикотаж тўқимасини олиш технологиясини ўзлаштириш» (2009-2010); И-2011-4-4 «Ресурстежамкор трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратиш» (2011-2012); ИК-2013-22 «Янги икки қаватли тўқималардан фойдаланган ҳолда ресурстежамкор, юқори гигиеник хусусиятларга эга бўлган трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ўзлаштириш» (2013-2014) ва БА-3-18 «Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган ва гигиеник хусусиятлари яхшиланган икки қатламли трикотаж тўқималарини олишнинг ресурстежамкор технологиясини ўзлаштириш» (2017-2018) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хомашё сарфи кам бўлган, гигиеник ва харидорғирлик хусусиятлари яхшиланган ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берувчи, рақобатбардош нақшли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тукли трикотаж тўқималарини олиш усулларини ўзаро солиштириш асосида уларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

айлана игнадонли тўқув машинасида тукли трикотаж тўқимасини олишда тукли ип таранглигини ўлчайдиган аниқлиги юқори бўлган янги қурилма яратиш;

протяжкалари трикотажни бир ва икки томонида жойлашган арқоқли тукли трикотаж тўқималарини тузилиши ва олиш усулларини ишлаб чиқиш;

ластик ва интерлок тўқималари асосида ҳажм зичликлари кам бўлган аралаш трикотаж тўқималарини олиш усулларини ишлаб чиқиш;

трикотаж тўқималарининг технологик параметрлари ва физик-механик хоссаларига трикотаж структурасидаги кўшимча элементларнинг таъсир этиш боғлиқлик қонуниятларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида трикотаж тўқималари ва тузилишлари, улар асосида олинган янги тузилишдаги тўқималар, трикотаж тўқув машиналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги тузилишдаги трикотаж тўқималарини тузилиши ва олиш технологиялари, трикотаж тўқималари ассортименти, янги таклиф этилган трикотаж тўқималарини технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тўқув назарияси асослари, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси

усуллари, тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий-экспериментал усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашёдан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

трикотажнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига трикотаж тузилишидаги қўшимча элементларнинг таъсир этиш қонуниятлари аниқланган;

айлана игнадонли тўқув машинасида тукли трикотаж тўқимасини олишда тукли ип таранглигини ўлчайдиган аниқлиги юқори бўлган янги қурилма яратилган;

протяжкалари трикотажни бир ва икки томонида жойлашган арқоқли тукли трикотаж тўқималарини тузилиши ва олишнинг ресурстежамкор усули ишлаб чиқилган;

ластик ва интерлок тўқималари асосида аралаш трикотаж тўқималарининг янги намуналарини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хомашё сарфи кам бўлган тукли трикотаж тўқимасидан донали трикотаж ассортиментларини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

арқоқ ипини трикотаж асосига маҳкамланганлик даражаси ва иссиқлик сақлаш хусусияти юқори бўлган кўндалангига тўқилган арқоқли трикотаж тўқимасини янги тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилган;

иссиқлик сақлаш хусусияти юқори бўлган икки томонли арқоқли трикотаж тўқимасини янги тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилган;

ластик ва интерлок тўқималари асосида хомашё сарфи кам бўлган янги тузилишга эга бўлган аралаш трикотаж тўқималарини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

янги трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотларини сифатини оширишга, хомашё сарфини 10-12 % гача камай-тиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таққослашга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тукли ва аралаш трикотаж тўқималарини янги тузилишини ва олиш усуллари ишлаб чиқиш, айлана игнадонли тўқув машинасида тукли трикотаж тўқимасини олишда тукли ип таранглигини ўлчашда аниқлиги юқори бўлган қурилма яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган, гигиеник ва харидоргирлик хусусиятлари яхшиланган тукли ва аралаш

трикотаж тўқималарининг янги вариантларини олишнинг ресурс-тежамкор технологияси ишлаб чиқилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Трикотаж машиналарида янги тузилишдаги тукли, аралаш трикотаж тўқималарини олишнинг ресурстежамкор технологияларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

тукли трикотаж тўқималарини янги тузилишига ва уларни олиш усулларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Тукли трикотаж тўқимасидан донали трикотажни ясси игнадонли машинада тўқиш усули» №IAP 05268-2016й.). Натижада ясси игнадонли фанг трикотаж тўқув машинасида тукли трикотаж тўқимасини олишнинг янги усули ишлаб чиқилган, трикотаж тўқув машинасининг иш унумдорлиги 25-30 % га ошириш имконини берган;

арқоқ ипининг асос тўқима таркибида маҳкамланганлик даражаси оширилган ҳамда протяжкалари трикотажни бир ва икки томонида жойлашган арқоқли тукли трикотаж тўқималарининг тузилиши ва олишнинг янги усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патентлари олинган («Кўндалангига тўқилган арқоқли трикотаж» №FAP 00617-2011й.; «Икки томонли арқоқли трикотаж» №FAP 00634-2011й.). Натижада арқоқли трикотаж тўқимаси сифатини яхшилаш, юқори иссиқлик ва шакл сақлаш хусусиятларига эга бўлган трикотаж тўқимасини олиш, шунингдек машинанинг иш унумдорлигини ошириш имконини берган;

аралаш трикотаж тўқималарининг янги намуналарини олиш технологияси «UZTEX Chirchik» МЧЖ кўшма корхонасида ва «TURON-TEX» МЧЖда жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 27 октябрдаги ДМ-156-сон маълумотномаси). Натижада аралаш трикотаж тўқималарининг тузилишини ўзгартириш ҳисобига трикотажнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга, хомашё сарфини 10-12% га камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 19 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 17 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 43 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтирога, 4 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Трикотаж саноатида хомашёдан самарали фойдаланишнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида фан ва техника ютуқлари асосида хомашё сарфи камайтирилган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш тадқиқотларига оид адабиётлар, илмий ишлар, мақолалар ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган. Ҳозирги пайтда трикотаж ишлаб чиқаришда маҳсулот бирлигига нисбатан тўқимачилик иплари сарфини камайтириш бўйича илмий ишлар олиб борилаётганлиги мавжуд ишлар таҳлили асосида аниқланди. Шу кунгача хомашё сарфи камайтирилган трикотаж тўқималарини яратиш бўйича тажрибалар йиғилган. Лекин тўқиш назариясида амалий тажрибани умумлаштирувчи илмий асосланган ҳолатлар етарлича эмас, чоп этилган материалларда эса асосан мато хусусияти ва структураси таснифи қайд қилинган. Масаланинг асл моҳияти шу кунгача тадқиқ этилмаган. Шунинг учун мазкур диссертация ишида устки кийим учун мўлжалланган тукли ва аралаш трикотаж тўқималарини рационал структурасини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш, бу яратилган тўқималарни хусусиятларини ўрганиш, ҳамда амалий тажрибани умумлаштирувчи илмий асосларни яратиш вазифаси қўйилган

Диссертациянинг **«Хомашё сарфи кам бўлган тукли трикотаж олиш технологияси»** деб номланган иккинчи бобида хомашё сарфи кам бўлган тукли трикотаж олиш технологияси келтирилган. Техник-иқтисодий кўрсаткичларни, жараённинг ишончлилигини ва машинанинг технологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда ёпчиқли тукли трикотаж ишлаб чиқариш усуллари чуқур ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинди ва ушбу таҳлил асосида уларнинг таснифи тавсия этилди (1-расм).

Тавсия қилинган таснифга мувофиқ тукли трикотаж ишлаб чиқаришнинг мавжуд усуллари техник белгилари бўйича ҳам, конструктив белгилари бўйича ҳам иккита гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳга тукли трикотажни бир игнадонли машиналарда тўқиш усуллари, иккинчи гуруҳга эса-тукли трикотажни икки игнадонли машиналарда тўқиш усуллари киритиш мумкин.

Таклиф этилаётган таснифдан бошқа турдаги тукли трикотаж тўқималарини (футерли, арқоқли, ёпчиқли-футерли ва ёпчиқли-арқоқли) олиш усуллари кўриб чиқишда ҳам фойдаланиш мумкин.




1-расм. Ёлчиқли тукли трикотааж ишлаб чиқариш усуллари

Маълумки тукли трикотаж тўқималари ичида хомашё сарфини кам талаб қиладиган тўқималар қаторига арқоқли трикотаж тўқималари киради. Бу тўқималарни асосий камчиликларидан бири арқоқ ипини трикотаж асосига маҳкамланганлик даражаси камлигидадир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бунда арқоқ ипини трикотаж асосига пишиқ мустаҳкамлаш асосан қуйидаги омилларга: трикотаж асоси зичлигига, тукли ипини трикотаж асосида (ёпчикли, футерли, арқоқли, қайта тўқилган) маҳкамлаш усулига; асос ипини тукли ип билан қамров бурчагига; ҳалқа модулига; иплар орасидаги ишқаланиш коэффициентига; тукли ипини маҳкамлаш нуқталари; тукли ипини асос ипи билан бир-бирига тегиб туриш юзасини катталигига ва ҳ.к. боғлиқ бўлади.

Нақшли трикотаж тўқималари структурасини ва бу тўқима асосида арқоқли трикотаж олиш усуллари таҳил қилиш натижалари асосида шу нарса маълум бўлдики, арқоқли тукли трикотажда арқоқ ипини трикотаж асосида пишиқ мустаҳкамлашга эришиш учун бу трикотажни пресс тўқимаси асосида олиш тавсия этилади.

Кўндалангига тўқилган арқоқли трикотаж (2-расм) асос ипи Γ_n ва арқоқ ипи A_n дан таркиб топган. Асос иплари трикотажда оддий узунликдаги тескари ҳалқалар 1 ни, узайтирилган ўнг тўқилган ҳалқалар 2 ни, ва пресс ташламалари 3 ни ҳосил қиладди. Арқоқ иплари A_n асос ҳалқа қаторлари бўйламаси бўйича йўналтирилган ва ҳалқа устунчалари шунингдек, ҳалақалар ва пресс ташламалари орасида жойлашган ҳолда, асос ипининг 4-5-6- ва 7-8-9- қисмларида пишиқ маҳкамланади.




2-расм. Пресс тўқимаси асосида олинган арқоқли тукли трикотаж структураси (а) ҳамда графикали ёзуви (б).

Айлана игнадонли машинада тўқиш жараёнини қисқартириш, юқори иссиқлик ва шакл сақлаш хусусиятига эга бўлган арқоқли тукли трикотаж тўқимасини олиш, шунингдек, тўқима олишда машинанинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида янги тузилишга эга бўлган икки томонлама тукли трикотаж тўқималарини арқоқли тўқима асосида олиш усуллари яратилди.

Айлана игнадонли оборот тўқув машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни таҳлили шуни кўрсатдики, бу машинада игналардан ҳалқаларни туширмасдан ва уларни яна қайтадан игналарга жойлаштирмасдан туриб, трикотажнинг икки томонида узайтирилган протяжкалари жойлашган арқоқли тукли трикотаж олиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бунинг учун игналардан баъзи бирларини битта цилиндрдан иккинчи цилиндрга ўтказилса етарли бўлади.

Таклиф этилган усул бўйича икки томонлама арқоқли тукли трикотаж тескари ластик тўқимаси асосида олинади.



3-расм. Трикотажнинг иккала томонида узайтирилган протяжкалар жойлашган арқоқли тукли трикотаж тўқимасининг тузилиши (а) ва графикали ёзуви (б)

Трикотаж (3-расм) асос ипи 1 дан ҳосил бўлган асос ҳалқаларига ва ҳалқа оралиқ қисмига бириктирилган арқоқ ипи 2 га эга, яъни асос ипи игналарга қўйилади ва асос ҳалқасини шакллантиради, арқоқ ипи эса игналарга қўйилмасдан асос ипига бириктирилади. Арқоқ ипи 2 орқа ҳалқа 3 устидан ўтиб, трикотаж тўқимасининг олд томонида арқоқли протяжка 4 ни ҳосил қилади. Худди шу ип кейинги ҳалқа устунчасида олд ҳалқа 5 нинг орқасидан ўтади ва трикотажнинг орқа томонида арқоқли протяжка 6 ни ҳосил қилади. Таклиф этилаётган икки томонли арқоқли тукли трикотаж тўқимасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳалқанинг орқа томони устига қўйилаётган арқоқ ипи ҳалқанинг олд томонида қўшимча арқоқли протяжкани ҳосил қилади. Кейинги қаторда эса қўшимча ип ҳалқанинг орқа томонидан ўтади.

Таклиф этилаётган икки томонли арқоқли тукли трикотаж тўқимасини олиш усулида тўқиманинг битта ҳалқа қаторини шакллантириш учун иккита ҳалқа ҳосил қилиш тизимидан эмас, балки битта ҳалқа ҳосил қилиш тизимидан фойдаланиш имконини беради, бу эса ўз навбатида тўқиш жараёнини қисқартириш, юқори иссиқлик ва шакл сақлаш хусусиятига эга бўлган трикотаж тўқимасини олиш, шунингдек машинанинг иш унумдорлигини ошириш имконини беради.

Тукли трикотаж тўқимасини тўқиш жараёни асосида тукли ва асос ипини эгиш чуқурлигида муҳим аҳамиятга эга бўлган тафовут ётади.

Тукли ипни эгиш чуқурлиги катта бўлганлиги сабабли, бир вақтни ўзида тукли ипни эгаётган игналар сони ошиб кетади, бу эса ип таранглигини ошиб кетишига сабаб бўлади.

Асос ва тукли ипларнинг чизиқли зичликларини, шунингдек, бу иплар чизиқли зичликлари йиғиндиси тукли ип таранглигига таъсирини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказилди, бунда 10 кл. SPG русумидаги айлана игнадонли оборот машинасида тукли трикотажни тўқиш жараёнида, тукли ип таранглиги ўлчанди. Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида тукли ип таранглигини

экспериментал тарзда аниқлаш мақсадида, тукли ва асос ипи сифатида турли чизиқли зичликка эга бўлган йигирилган пахта ипидан фойдаланилди.

Асос ипига нисбатан тукли ип қалинлиги ошганда ипнинг таранглиги ошиб кетади.


Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида тукли ип таранглиги ва эгиш чуқурлиги орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида турли эгиш чуқурлигида тукли ип таранглиги аниқланди (1-жадвал).

Машинада тукли ва асос ипи сифатида чизиқли зичлиги 62 текс бўлган йигирилган пахта ипларидан фойдаланилди. Олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида тукли ип таранглигини ипни эгиш чуқурлигига боғлиқлик графиги олинди (4-расм).

1-жадвал

Тукли ипни эгиш чуқурлигининг тарангликка боғлиқлиги

Эгиш чуқурлиги, мм	Қамров бурчаги йиғиндиси		Тукли ипнинг максимал таранглиги, Н
	град	рад	
6,5	893	15,57	3,7
7,0	921	16,06	4,3
7,5	965	16,83	4,7
8,0	972	16,85	4,8
8,5	980	17,03	4,9



4-расм. Тукли ип таранглигини эгиш чуқурлигига боғлиқлик графиги

Эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, бунда эгиш чуқурлиги бир хил миқдорда оширилганда тукли ип таранглиги турлича ортиб боради. Бу шу билан изоҳланадики, бунда эгиш чуқурлиги ортиши ҳалқа ҳосил қилиш аъзоларининг ип билан қамров бурчаги йиғиндисини ортишига олиб келади, бунда эгиш чуқурлиги бир хил катталиқда оширилса ҳам, қамров бурчаги йиғиндиси бир хилда ошмайди. Ипни дастабки эгилишида ип таранглигини ортиши тез рўй беради, сўнгра таранглик ошиши секинлашади (4-расм).


Диссертациянинг «Айлана игнадонли трикотаж машинасининг отбой тишларида эгилаётган тукли ипда юзага келадиган таранглик кучини ўлчаш қурилмаси конструкциясини яратиш ва параметрларини ҳисоблаш» деб номланган учинчи бобида айлана игнадонли трикотаж

машинасининг отбой тишларида юзага келадиган кучни ўлчаш қурилмаси конструкцияси ишлаб чиқилган.

Трикотаж машинасида ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида отбой тиши-датчигида тукли ипнинг таранглик кучини ўлчаш аниқлиги юқори бўлган янги қурилма яратилди. Отбой тишларида юзага келадиган кучни ўлчаш учун мўлжалланган қурилма конструкциясининг моҳияти шундан иборатки, бунда қурилмада пластинкалар тиргақлар ёрдамида юқориги цилиндрнинг столига маҳкамланган отбой тиши-датчиги бошқа отбой тишлари билан бир хил сатҳда жойлашган.

Қурилма ишлаш принципини таҳлил қилиш натижаларидан маълум бўлдики, бунда тензодатчикли ва юза чеккасига отбой тиши ўрнатилган қайишқоқ пластинани маълум частотада ўзгарувчан тарангликка эга бўлган ип таъсири остида мажбурий тебранади.

Системани ҳисоб схемаси 6-расмда келтирилган.



бу ерда: 1– айлана игнадонли трикотаж машинасининг барабани, 2 – тензодатчикли қайишқоқ пластина, 3 – отбой тиши, l – қайишқоқ пластина узунлиги, m – тишнинг келтирилган массаси, ω_6 , R_6 – барабаннинг бурчак тезлиги ва радиуси, а – пластинанинг статик ҳолатдаги ҳисоб схемаси, б – пластинанинг эгилишидаги схемаси.

5-расм. Тензодатчик ва чеккасига тиш ўрнатилган қайишқоқ пластинанинг хусусий тебранишини аниқлаш учун ҳисоб схемаси

Ўлчов қурилмасига ўрнатилган қайишқоқ пластина бикрлигини аниқлаш учун формула қуйидагича бўлади:

$$C_n = \frac{P}{z_0} = \frac{kEI_x}{l_n} \cdot \frac{kl_n chkl_n \left(1 - \frac{l_n}{R_6 + l_n}\right) + \frac{l_n}{R_6 + l_n} shkl_n}{kl_n chkl_n - shkl_n} \quad (1)$$

Бунда пластинанинг хусусий тебраниш частотаси қуйидагидан иборат бўлади:

$$f_k = \sqrt{\frac{kEI_x}{m_3 l_n} \left[\frac{kl_n chkl_n}{kl_n chkl_n - shkl_n} - \frac{l_n}{R_6 + l_n} \right]} - \omega_6^2 \quad (2)$$

Барабан бурчак тезлигининг максимал қийматини аниқлаймиз, бунда пластинанинг силжиши z_0 қийматдан ошмайди

$$\omega_{6max} = \frac{3}{l_n} \sqrt{\frac{EI_k}{m_3 l_n}} \quad (3)$$

Шундай қилиб, пластина узунлиги $1,2 \cdot 10^{-2}$ м дан то $10,4 \cdot 10^{-2}$ м гача ортишида ω_{max} бурчак тезлиги 3,9 дан 0,46 s^{-1} гача камаяди. Пластина вазни $15,85 \cdot 10^{-2}$ кг гача ортишида ω_{max} максимал бурчак тезлиги 1,06 s^{-1} гача

камаяди. Мавжуд айлана игнадонли трикотажа машиналарида цилиндрнинг бурчак тезлиги $2,1 \text{ с}^{-1}$ гача етади. Бунда пластина узунлиги ва вазнига мувофиқ $l_n=(4,1 \dots 5,2) \cdot 10^{-2} \text{ м}$, $m_n=(6,2 \dots 8,0) \cdot 10^{-2} \text{ кг}$ чегараларда танлаш тавсия этилади.

Ўлчов асбоби тиш тиргаги тебраниши бўйича қуйидаги дифференциал тенгламалар тизимига эга бўламиз:

$$\begin{aligned} m_1 \ddot{x}_1 + b_1 \dot{x}_1 + c_1 x_1 - b_2 (\dot{x}_2 - \dot{x}_1) - c_2 (x_2 - x_1) &= F_k \sin \beta t; \\ m_2 \ddot{x}_2 + b_2 (\dot{x}_2 - \dot{x}_1) + c_2 (x_2 - x_1) &= F_H(T_H); \end{aligned} \quad (4)$$


Ўлчов асбобидаги тиргакнинг тебранишини сўндириш ўта муҳим ҳисобланади, бунда асбобнинг тензодатчик ўрнатилган тишига таъсир этаётган ип таранглигини сезиларли даражада аниқ ўлчаш таъминланади. Шунинг белгилаб қўйиш лозимки, тиргакнинг хусусий тебраниши маълум вақт ўтиши билан сўнади ва асбоб тиргакининг тебраниши мажбурий бўлиб қолади. У ҳолда хусусий ечимларни ва сўниш жараёнларини ҳисобга олмаган ҳолда, x_1 ва x_2 кўчишлар учун мажбурий тебранишлар ечими қуйидагича бўлади:

$$x_1 = A_1 \sin \beta t + B_1, \quad x_2 = A_2 \sin \beta t + B_2 \quad (5)$$

бу ерда,

$$\begin{aligned} A_1 &= \frac{F_k}{m_1} * \frac{\beta^2 - \beta_2^2}{\beta^4 - \beta^2(\beta_1^2 + \gamma\beta_2^2) + \beta_1^2\beta_2^2} \\ A_2 &= \frac{F_k}{m_1} * \frac{\beta_2^2}{\beta^4 - \beta^2(\beta_1^2 + \gamma\beta_2^2) + \beta_1^2\beta_2^2} \\ B_1 &= \frac{F_H(T_H)}{c_1}; \quad B_2 = \frac{c_1 + c_2}{c_1} * \frac{F_H(T_H)}{c_1}; \\ \beta_1^2 &= \frac{c_1}{m_1}; \quad \beta_2^2 = \frac{c_2}{m_2}; \quad \gamma = \frac{m_2}{m_1}; \end{aligned}$$

(5) ифодалар ёрдамида массаларнинг максимал ва минимал кўчишларини аниқлаб рухсат берилган қийматларни таъминлайдиган бикрлик коэффициентлари c_1 ва c_2 катталикларни аниқлашимиз мумкин.



Бу ерда,

- 1 – да $f=3,15 \text{ с}^{-1}$ (30 айл·мин⁻¹),
- 2 – да $f=2,77 \text{ с}^{-1}$ (25 айл·мин⁻¹),
- 3 – да $f=2,10 \text{ с}^{-1}$ (20 айл·мин⁻¹),
- 4 – да $f=1,66 \text{ с}^{-1}$ (15 айл·мин⁻¹),
- 5 – да $f=1,05 \text{ с}^{-1}$ (10 айл·мин⁻¹).

6-расм. Айлана игнадонли машина цилиндри айланиш частотаси турлича бўлганда тензодатчик ва тиш билан жиҳозланган қайишқоқ пластинанинг вазн вариациясига боғлиқ бўлган ҳолда унинг бикрлик коэффициенти ортиши қонуниятлари

Боғланиш графиклари таҳлиliga кўра трикотаж тўқув машинасининг ишлаш жараёнида ўртача айланиш частотаси $n_{ц}=20$ айл·мин⁻¹ ва пластинка тебраниш амплитудаси $(0,5...2,0) \cdot 10^{-3}$ м. дан ошмаслигини таъминлаш учун пластинканинг бикрлик коэффициенти $(1,95...2,35) \cdot 10^5$ сН/м ва массаси $m_2=(6,3...8,0) \cdot 10^{-2}$ кг бўлиши тавсия қилинади.

Диссертациянинг «Трикотаж тузилишига аралаш трикотаж тўқима элементларини киритиш ҳисобига хомашё сарфини камайтириш» деб номланган тўртинчи бобида ластик ва интерлок тўқимаси асосида янги турдаги аралаш трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, икки қаватли трикотаж тўқималари сифатини яхшилаш ва «Ssangyong» русумидаги айлана иғнадонли машинанинг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида ластик тўқимаси асосида аралаш трикотаж тўқималарининг олти вариантдаги тузилишлари ва уларни олиш усуллари таклиф қилинди. Хомашё сифатида чизикли зичлиги 20 текс бўлган йигирилган пахта ипидан фойдаланилди. Асос тўқима сифатида ластик 1+1 тўқимаси (I-вариант) олинган.

Ластик тўқимаси асосида олинган аралаш трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари экспериментал усулда аниқланган. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ластик тўқимаси асосида олинган аралаш трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари

Вариантлар	Ҳажм зичлиги, δ , мг/см ³	Ҳаво ўтказувчанлик, V , см ³ /см ² ·сек	Узилиш кучи, P_p , Н		Узилишдаги чўзилиши, L , %		Қайтмас деформация ϵ_n , %		Қайтар деформация ϵ_o , %		Киришув- чанлик, U , %	
			Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига
I	282	168,6	444,1	129,4	69,8	295,5	6,5	9,8	94,5	90,2	12,5	4,5
II	252	211,9	370	129,3	57,9	211,6	8,5	8,0	91,5	92	9,5	4,0
III	308	155,6	385,9	236,7	84,5	154,9	7,4	9,5	92,6	90,5	8,0	3,6
IV	300,8	203	376,8	116,6	65,6	224,8	8,6	8,8	91,4	91,2	11,0	3,5
V	268	211,9	381,5	228,1	80,3	158,7	9,2	9,8	90,8	90,2	10,5	4,2
VI	280	168,6	202,9	163,9	53,9	83,9	10,0	12,5	90,0	87,5	8,5	4,0
VII	251,6	236,6	319,1	97,4	58,5	361,1	9,5	11,4	90,5	88,5	7,5	5,0

Ластик тўқимаси асосида олинган аралаш трикотаж тўқималарининг ўзаро сифат кўрсаткичларини таққослаш учун комплекс баҳолаш диаграммасидан фойдаланилди. Олинган намуналарнинг ҳажм зичлиги, ҳаво ўтказувчанлик, узилиш кучи, узилишдаги чўзилиши, қайтар деформациянинг улуши ва киришувчанлик каби сифат кўрсаткичлари таққосланди. Ушбу тўқималарни олишда хомашё сифатида чизиқли зичлиги 20 текс бўлган пахта калава ипидан фойдаланилган. Ластик тўқимаси асосида олинган ушбу аралаш трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси 7-расмда, 8-расмда эса уларни ўзаро таққослаш гистограммаси тақдим этилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, бунда ластик тўқимаси структурасига бошқа тўқима элементларини киритилиши, ҳаво ўтказувчанлик, пишиқлик, узилишдаги чўзилиши, ҳажм зичлиги каби трикотаж тўқималари сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди.

Олинган қиёсий таққослаш гистограммасига кўра, ластик тўқимаси асосида олинган аралаш трикотаж тўқималарининг II, III ва VI-вариантлари энг яхши сифат кўрсаткичларга эга эканлиги ҳамда маҳсулот бирлигига нисбатан энг кам хомашё сарф қилинганлиги аниқланди.

Таклиф этилаётган технологиядан фойдаланиш орқали 1 тонна хомашёни қайта ишланганда 875160 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди (2017 йил нарҳларида).

ХУЛОСА

«Нақшли трикотаж ассортиментини ишлаб чиқаришда тўқима тузилишини ўзгартириш ҳисобига хомашёдан самарали фойдаланиш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Бир ва икки игнадонли машиналарда, икки қаватли трикотаж тўқималарини бир қаватлигига алмаштириш; чизиқли зичлиги кам бўлган иплардан фойдаланиш; машинадаги айрим игналарни ўчириб қўйилиши; трикотаж тўқималарини тўлиқсиз ёки аралаш тўқималар асосида олиш ҳисобига хомашё сарфини камайтиришга эришиш мумкинлиги аниқланган.

2. Протяжкалари трикотажни бир ва икки томонида жойлашган арқоқли тукли трикотаж тўқималарини тузилиши ва олиш усуллари ишлаб чиқилган. Натижада арқоқли трикотаж тўқимаси сифатини яхшилаш, юқори иссиқлик ва шакл сақлаш хусусиятларига эга бўлган трикотаж тўқимасини олиш, шунингдек машинанинг иш унумдорлигини ошириш имконияти яратилган.

3. Трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини, тўқиш жараёнининг ишончлилигини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда тукли трикотаж тўқималарини олиш усуллари ўзаро солиштириш асосида, уларнинг таснифи яратилган. Тасниф бошқа турдаги

тукли трикотаж тўқималарини (футерли, арқоқли, ёпчиқли-футерли ва ёпчиқли-арқоқли) олиш усулларини ўзаро солиштиришга хизмат қилади.

4. Айлана игнадонли трикотаж тўқув машинасида тукли ип таранг-лигини ўлчайдиган аниқлиги юқори бўлган янги қурилма яратилган. Трикотаж тўқув машинасини ишчи ҳолатида тукли ипнинг таранглик кучини аниқ ўлчаш имконини беради.

5. Ластик ва интерлок тўқималари асосида ҳажм зичлиги 12 % гача камайтирилган аралаш трикотаж тўқималарининг янги намуналари, асос тўқимаси тузилишини ўзгартириш ҳисобига олиш усуллари ишлаб чиқилган. Натижада хомашё сарфини 10-12 % гача камайтириш имконини берган.

6. Тукли ва аралаш трикотаж тўқималарининг элементлари билан трикотажни технологик ўлчамлари ва физик-механик хусусиятлари орасидаги боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.

7. Таклиф этилаётган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали 1 тонна хомашёни қайта ишланганда 2017 йил нарҳларида 875160 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ХАЗРАТКУЛОВ ХАМИДЖОН АЛИКУЛОВИЧ

**РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЫРЬЯ ПРИ ВЫРАБОТКЕ
АССОРТИМЕНТА РИСУНЧАТОГО ТРИКОТАЖА ЗА СЧЕТ
ИЗМЕНЕНИЯ СТРУКТУРЫ ПЕРЕПЛЕТЕНИЯ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Т111.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz.)

Научный руководитель:	Мукимов Мирабзал Мираюбович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ахметходжаев Хамит Турсунович доктор технических наук, профессор
	Петророва Лариса Ивановна кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 29 ноября 2017 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail:titlp_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 17). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 14 ноября 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 17 от 14 ноября 2017 года.)

К. Жуманиязов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

А.З. Маматов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

С.Ш. Ташпулатов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике трикотажного производства достигнуты определенные успехи, при этом особое внимание уделяется совершенствованию способов управления технологическими процессами с целью обеспечения конкурентоспособности продукции и повышения эффективности производства текстильной промышленности. «В мире производится более 17 млн. тонн трикотажных полотен и изделий, что составляет 1/3 всего мирового текстильного рынка, при этом в число стран, где наиболее быстрыми темпами развивается текстильная промышленность можно включить Восточную Азию, Южную Азию, СНГ, Зарубежную Европу и США».¹ Вместе с тем, прогнозирование свойств трикотажа, производство трикотажных полотен, отвечающих требованиям технического и эстетического соответствия и художественно-колористического оформления остается одной из важных задач.

В мире в трикотажном производстве большое внимание уделяется разработке высокоэффективных и энергосберегающих технических средств и технологий. В этом направлении ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых ассортиментов трикотажных полотен, исследованию их технологических параметров и физико-механических свойств, теоретического обоснования закономерностей их изменения, разработке математических моделей и методов прогнозирования, разработке технологических режимов для выработки трикотажных полотен из новых видов сырья, совершенствованию существующих техники и технологий с целью производства новых трикотажных полотен, расширению технологических возможностей машин.

С приобретением независимости в Республике особое внимание уделяется комплексной переработке сырья в готовые изделия. В связи с этим достигнуты значительные результаты в вопросе совершенствования технологии производства трикотажа, в том числе уменьшена себестоимость трикотажной продукции за счет расширения технологических возможностей трикотажных вязальных машин, установленных на трикотажных фабриках, выработки трикотажных полотен с высокими качественными характеристиками и низкой материалоемкостью. В этом направлении при выработке экспорт ориентированных трикотажных изделий требуется совершенствование ресурсосберегающих технологий, обеспечивающих их конкурентоспособность. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах обозначены задачи, как «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов; освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

основе конкурентно-способности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках; широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий».² Выполнение поставленной задачи, а именно выработка рисунчатых трикотажных полотен вместо трикотажа гладких переплетений, эффективное использование сырья за счет изменения структуры трикотажа, разработка и усовершенствование технологий, обеспечивающих качество и конкурентно-способность продукции, является одним из важных вопросов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан», ПП-2687 от 21 декабря 2016 г. «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017 - 2019 годы» и ПП-2692 от 22 декабря 2016 г. «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», а также других нормативно-правовых актов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы снижения расхода сырья, повышения качества трикотажа, исследования строения и физико-механических свойств трикотажных полотен рассмотрены в научно-исследовательских работах таких ученых, как М. Савадзаки, Е. Харима, С. Ерисуэ, А. Mazjorie Taylor, L. Walter, M. Walker, Ch. Phillips, A. Wilkes, A. Wynne, David J. Spenser и др.

Известны фундаментальные работы в области развития теоретико-методологических основ технологии трикотажа проф. А.С. Далидовича, И.И. Шалова, Л.И. Кудрявина, В.Н. Гарбарука, Б.С. Окса, В.М. Лазаренко, В.А. Зиновьевой, В.Н. Викторова, И.Г. Цитовича и научные труды проф. В.А. Заваруева, О.Н. Марисовой, М.М. Мукимова и др. посвященные исследованию влияния структурных элементов трикотажа на его свойства.

Надо отметить, что проведенные исследования охватывают только часть проблем, а научные исследования, посвященные вопросам снижения расхода сырья при выработке трикотажных изделий, разработке технологии получения ассортимента рисунчатого трикотажа со сниженной материалоёмкостью проведены недостаточно. Исходя из этого, важное практическое значение в производстве трикотажных изделий имеет проведение научных исследований в области разработки технологии получения рисунчатых трикотажных полотен,

² www.lex.uz/ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

обладающих высокими показателями качества и сниженной материалоемкостью.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского института текстильной и легкой промышленности и отражается в проектах: ИК-09-06 «Освоение технологии получения двухслойного трикотажа на базе хлопко-шелкового трикотажа» (2009-2010); И-2011-4-4 «Разработка ресурсосберегающей технологии получения трикотажа» (2011-2012); ИК-2013-22 «Освоение ресурсосберегающей технологии получения трикотажных изделий с улучшенными гигиеническими свойствами с использованием новых видов двойных переплетений» (2013-2014) и БА-3-18 «Внедрение ресурсосберегающей технологии получения двухслойного трикотажа с высокой формоустойчивостью и улучшенными гигиеническими свойствами» (2017-2018).

